O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 13 август, № 160 (4570) Чоршанба

## Жиззах:
# ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН ЯШНАГАН ВОҲА

*Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир*



▼ **Водийларни яёв кезганда**

***Истиқлол — улуғ неъмат! Ҳурлик шарофати ила бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида бўлганидек, Жиззах вилоятида ҳам янгиликлар, яхшиликлар, бунёдкорликлар рўй бераяпти, бири-биридан маҳобатли, кўркам бинолар қад ростлаяпти. Энг асосийси, бундай беқиёс ўзгаришлар одамлар онгу шуури, мақсад-ўйлари билан уйғунлашиб кетган. Шунинг ўзиёқ аждодларимизнинг азалий орзуси, бир умр интиқ бўлиб кутилган ИСТИҚЛОЛнинг нақадар табаррук эканлигини тасдиқловчи исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллик шодиёнаси арафасида юртдошларимизнинг кайфияти, турмуш тарзи, ислоҳот одимлари билан танишиш мақсадида Жиззах вилоятига борганимизда, бунга яна бир карра амин бўлдик.***

Бу қадимий воҳа айни пайтда ажиб жозибага эга бўлибди, ўзиям! Бинобарин, кенг ва равон йўллар, муҳташам бинолар, шаҳардаги марказий кўчанинг икки томонини безаб турган "Ёшлар шаҳарчаси", "Ёшлар" экологик боғи, муҳташам кутубхона, Диагностика маркази, Санъат коллежи, 29-Меҳрибонлик уйи ва шу сингари муаззам иншоотлар Жиззахнинг ҳақиқий маънода юзига, фахрига айланганлиги рост. Дов-дарахт ва майсалар, баҳри дилингизни очувчи гулу гулзорлар бу ерликларнинг ободлик ва покизаликка ҳафсаласи баланд эканини англатиб турибди.

Истиқлолнинг ўн етти йили мобайнида Жиззахда қад ростлаган иншоотларни хаёлан кўз ўнгингиздан ўтказсангиз, беихтиёр шуурингиз ҳайратга чулғанади: аввал бу ер қандай эдию энди қанақа-я!

— Илгари эски шаҳарда бир-икки обида ва меҳмонхоналарни айтмаса, диққатга сазовор, сени йўқлаб келган бирор меҳмонни олиб бориб, фахрланиб кўрсатадиган бирон гўшанинг ўзи йўқ эди, — дейди жиззахлик мўътабар отахонлардан бири Маҳмуд Шерназаров. — Янгидан-янги иморату иншоотлар барпо этилгач, эскилари ё бузилди, ё уларнинг соясида қолиб кетди. Аслида, Жиззах гузарларининг вужудга келиши ҳам ўзига хос тарих, билсангиз. Бу Истиқлол даврида яратилган тарихдир. Илгарилари денг, Тоқчилиқ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Раваллиқ қишлоғида хўжалик клуби ва кичикроқ чойхона бўларди. Кўпни кўрган оқсоқоллар тўю маъракалар, турли йиғин ва анжуманларни ўтказиш учун қулайроқ бир маскан барпо этиш лозимлиги хусусида маслаҳатлашиб юрардик. Сўнгроқ вилоятимизга янги раҳбар келгач, барча зарур шарт-шароитларга эга, сўлим бир гузар қуриш таклифини айтди. Шу тариқа, Раваллиқ гузари бунёд этилди. Бир-икки йил ичида бу ташаббус қанот ёзиб, вилоятнинг деярли барча ҳудудида шундай гузарлар, тўйхоналар қад ростлади. Бугун "Ҳамзаобод", "Нур", "Тошлоқ", "Олмазор", "Боғишамол", "Зилол", «Мирзаобод», «Марҳабо», «Оққўрғонлик» номлари билан юритилувчи гузар ва тўйхоналар шулар жумласидандир.

Отахоннинг сўзларидан таъсирланиб, "Зилол" гузари томон йўл олдик. Бу ердаги хоналар шу қадар нозик дид билан безатилган, жиҳозланганки, кўриб дил яйрайди. Гузарга туташ милиция таянч пункти, дорихона,

(Давоми 2-бетда).

*Мамлакатимизда энг улуғ ва энг азиз байрам — истиқлолимизнинг 17 йиллигини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ушбу қутлуғ айём арафасида кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва умумхалқ хайрия ҳашари уюштириш анъанага айланган.*




# ҲАШАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 2 августдаги фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг август ойи мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва озодалик» ойлиги, деб эълон қилинди. Мазкур тадбир доирасида 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Айни кунларда жойларда ободонлаштириш ойлиги тадбирлари уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда. Тураржой мавзелари, маҳалла ва қишлоқларда кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, қурилиш ҳамда маиший чиқиндиларни тўплаш ва ташиб кетишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Кўп қаватли уйлар ва ҳовлидар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, қабристонлар тозаланмоқда.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда умумхалқ ҳашарига тайёргарлик тадбирлари юртимизнинг барча ҳудудларида Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги олдидан ўтказилаётган шодиёналар билан уйғунлашиб кетмоқда. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ташкил этилаётган бундай тадбирлар жараёнида халқимизнинг яратувчилик салоҳиятини кенг намойиш этишга, тозалик, озодалик ва саранжом-саришталикнинг инсон саломатлигини асрашдаги аҳамиятини ёшлар онг-шуурига янада чуқурроқ сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзининг 50 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Навоий шаҳрида ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

***Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситалари ва бола ҳуқуқлари" мавзуида семинар ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 майда имзолаган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонининг ижроси доирасида ташкил этилган мазкур семинарда ахборот агентликлари, босма оммавий ахборот воситалари, нодавлат телерадиостанциялар, электрон нашрлар журналистлари иштирок этмоқда.

▼ **Фармон ва ижро**

ЮНИСЕФнинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Маҳбуб Шариф Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жумладан, ўсиб келаётган ёш авлод камолоти, истиқболи борасида ғамхўрлик кўрсатиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланганини таъкидлади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ифодасини топган. Хусусан, 2008 йил 7 январда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун бунинг ёрқин далилидир. Ушбу ҳужжатда бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, унинг ҳаёти ва соғлиғини, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан кўмаклашиш, илмий, техник ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш каби жиҳатлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилгани аҳамиятлидир.

Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни аҳолига тезкор, холис ва ҳаққоний етказишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шу боис уларнинг малака ва маҳорати, билим ва салоҳиятини доимий ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Тўрт кун давом этадиган семинар машғулотларида тингловчилар олимлар, ҳуқуқшунослар иштирокида бу йўналишда қабул қилинган халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ёритишда ахборот манбаларидан тўғри ва самарали фойдаланишга оид маълумотлар билан атрофлича танишадилар, ўзаро фикр ва тажриба алмашадилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# АВГУСТ ОЙИ – ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

*Август ойи «Зарбдор 30 кунлик» деб эълон қилинганига ҳам икки ҳафта бўлиб қолди. Хўш, ана шу даврда жойларда ғўза парваришини кучайтириш орқали мўлжалдаги ҳосилни тўплашда қандай натижаларга эришилди? Шу муносабат билан Қизириқ туманидаги «Аслиддин Усмонов» фермер хўжалигида ўтказилган кўргазмали семинарда амалга оширилган ишлар таҳлили баробарида, бу илғор жамоанинг тажрибаси кенг оммалаштирилди.*

## ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Гап шундаки, ушбу хўжаликда экин, асосан, агротехника талаблари асосида парвариш қилинаётганлиги боис, ундаги кўсаклар сони кун сайин кўпаймоқда. Айни чоғда зараркунанда ҳашаротларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Бунда биологик усулдан фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Фермер хўжалиги аъзолари ўтган йили туман бўйича энг юқори ҳосилдорликка эришиб, шартнома режасини 110 фоизга уддалашган эди. Натижада яхшигина даромад қўлга киритилди. Жорий йилда эса улар бундан-да кўпроқ фойда олишмоқчи. Бунинг учун тўла асос бор: ҳар бир туп ғўзада 10-15 тадан тўқ кўсак мавжуд.

— Агар ҳосилга-ҳосил қўшадиган август ойида суғориш ишларини культивация билан уйғунлашган ҳолда олиб борсак, яна 8-10 тадан бўлиқ кўсак қўшилади, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Аслиддин Усмонов. — Шу мақсадда «шарбат» суви оқизишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Чунки мазкур усулда ғўза сифатли ва баракали ҳосил тўплайди.

Семинарда «Нурбек Жабборов», «Рабатак» ва «Қорақасмоқ» фермер хўжаликлари раҳбарлари сўзга чиқиб, ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга эътибори натижасида туманда фермерлик ҳаракати бошланган йилларда пахта хом ашёси етиштириш 12 фоизга ўсганини, бунда илғорлар тажрибаси қўл келаётганини алоҳида таъкидладилар.

Кўргазмали семинар жараёнида фермерлар қатъий бир фикрга келдилар: агар ҳар бир жамоада «Аслиддин Усмонов» фермер хўжалиги тажрибасига суяниб иш олиб борилса, туманда мавжуд 13 минг 406 гектар майдондан шартнома режасида белгиланганидан зиёд ҳосил етиштирилади. Улар, шунингдек, пахта йиғим-теримига ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш шу куннинг долзарб вазифаси эканини, шундай қилинса, пахта хирмони янада юксалишини қайд этиб, бу борадаги чора-тадбирлар режасини белгилаб олдилар.

**Абди ҚОДИРОВ.**

## Ян Цземиань:
# «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ»

***Ўзбекистон Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Шанхай халқаро тадқиқотлар институти директори, фалсафа фанлари доктори Ян Цзенмиань истиқлол йилларида мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўли ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.***

— 1991 йил 31 август куни эълон қилинган мустақиллик Ўзбекистоннинг энг янги тарихидаги муҳим сана бўлди, десак, асло муболағa бўлмайди, — дейди хитойлик олим. — Бу кун ўзбек халқининг янги давлатчилигини барпо этиш ва миллий ўзлигини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг муқаддимаси бўлди. Айнан ана шу санадан бошлаб Ўзбекистон ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилиши сари дадил қадам ташлай бошлади. Айни пайтда мамлакатда фуқаролик жамияти қарор топмоқда, инсон ва унинг манфаатлари асосий қадрият ҳамда устувор омил сифатида эътироф этилмоқда.

Ўтган 17 йил давомида республика ҳаётининг барча соҳаларида том маънодаги тарихий ўзгаришлар амалга оширилди. Бу йиллар мобайнида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Жамиятни демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида қўлга киритилган муваффақиятларнинг кенг эътирофи, мин-

▼ **Дунё нигоҳи**

тақадаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистон илгари сураётган ташаббуслар мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон барқарор суръатда ривожланиб бормоқда. Бунга экстенсив омиллар ва табиий бойликларни қазиб олишни кўпайтириш эвазига эмас, балки бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, сармояларни кенг жалб этиш ҳамда ишлаб чиқариш тузилмаларини модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали эришилаётгани эътиборга моликдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жамиятни демократик янгилаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар жадаллашмоқда. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунларнинг кучга киргани ва ҳаётга татбиқ этилаётгани жорий йилнинг муҳим воқеаларидан бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мустақил тараққиётнинг 17 йили Ўзбекистон тарихидаги янги саҳифагина эмас, балки унинг давлатчилик қудрати мустаҳкамланган давр бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Юртингизда ҳар бир йилни ижтимоий сиёсатнинг турли йўналишларига бағишлаш яхши анъанага айланган. Хусусан, 2008 йил Ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилинди. Ушбу ташаббус мамлакат раҳбарияти униб-ўсиб келаётган ёш авлод тақдири ва манфаатлари ҳақида ғамхўрлик қилишга устувор вазифа сифатида қараётганини аниқ-равшан ифода этади. Бу эса, ўз навбатида, ёшларнинг жамиятнинг мустаҳкам таянчи сифатида шаклланишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР МАҚСАДЛИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

**Бир рақам шарҳи**



**2008** йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикамизда барча молиявий манбалар бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан **119,8** фоизни ташкил этди.

**Инвестиция дастурини изчил амалга ошириш орқали таркибий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилгани, мамлакатимиз ва хориж сармоядорлари учун қулай шарт-шароит яратилгани шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.**

## Жиззах:
# ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН ЯШНАГАН ВОҲА



(Давоми. Боши 1-бетда).

компьютер маркази сингари ижтимоий-маиший объектлар маҳалланинг ўзгача файзли, тинч ва осойишта бир маскан эканлигини айтиб турибди.

“Зилол” маҳалласининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Бобоқулова:

— Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, фикрлаш тарзимизни ўзгартирмай туриб, жамиятни янгилаб, буюк келажак қуриб бўлмайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: инсон ким учун, қандай мақсадни кўзлаб уй қуради? Албатта, ўзи учун, фарзандларининг фаровон ҳаётини таъминлаш мақсадида-да, дерсиз. Яшанг! Демак, оиладаги муаммо ҳам, ташвиш ҳам ўзимизники, уни биров четдан келиб ҳал қилиб бермайди. Демак, мамлакатимизнинг барча жойларида, жумладан, вилоятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ортида ўзимизнинг орзуларимиз — ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТИ турибди. Одил раҳнамомиз ташаббуси билан бундай ўзгаришлар энг чекка қишлоқларни ҳам қамраб олаётгани бугун барчамизга аён. Шундай бекиёс эврилишлар, янгиланишлар, изчил ислоҳотларимиз ҳақида ўйларканман, юртимизда ҳукмрон тинчлик-хотиржамликка, осойишталигу фаровонликка кўз тегмасин, дейман ўз-ўзимга. Ойнаи жаҳон орқали дунёда рўй бераётган ҳар хил балою офатларни кўрганда, ич-ичимдан шукроналар айтаманки, бизнинг юртда, ҳатто, қушнинг ҳам ини бузилгани йўқ. Ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаяпти. Ношукрлик, лоқайдликка бўйин эгмай, сабр-тоқат ила яхши ниятлар қилиб ишласак, буюк келажакни қуриш ва кўриш барчамизга насиб этади, иншооллоҳ...

Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар дилдаги пок орзуларимиз ижобати, десак янглишмаган бўламиз. Бундай ўзгаришлар вилоят туманларидаги ободончиликлар мисолида ҳам яққол намоён бўлаётир...

Ғаллаорол туманига йўл олар эканмиз, кўча четидаги ёзувлар эътиборимизни тортди. Ҳикмату ҳадислар, улуғ алломаларимизнинг дуру гавҳарга тенг бебаҳо сўзларини ўқиб, кўнглингга нур ингандек бўлади. Зеро, донишмандларнинг “Инсон қалби унинг ниятларида акс этади”, деган хулосасига таяниб айтсак, йўл ёқасидаги бу сўзлар аҳли Жиззахнинг орзу-истакларини, мақсаду муддаоларини ифода этиб турибди. Шу улуғ ниятлар ижобати йўлида меҳнат қилаётган, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин, деб дуо қилаётган инсонлар билан биз тумандаги обод манзил — Саъд ибн Абу Ваққос зиёратгоҳида суҳбатлашдик.

— Туманимизда 134 минг аҳоли истиқомат қилади, — дейди Узунбулоқ қишлоғида яшовчи Ҳабибулла ота Масолиев. — Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, мустақил юртимизнинг иқболи, истиқболи ҳақида ишонч ва ифтихор билан гапиришади. Ахир, нега фахрланмайлик? Юрадиган йўлларимиз равон, бозорларимиз тўкин-сочин, фарзандларимиз бахтиёр. Бу дориламон кунларни кўриб, олис болалигимизни эслайман. Ўша кезлар минг бир азоб билан ўчоққа ўт қалардик. Олисдаги пастқам мактабга пой-пиёда қатнардик. Ёзда тупроққа, қишда лойга қоришадиган ўнқир-чўнқир йўлларда катта бўлдик. Шукрки, бу гаплар энди ортда қолди. Президентимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак, оз. Мана, кўраяпсиз, у кишининг ташаббуслари билан қишлоқларимиз шаҳардагидан қолишмайдиган даражада обод бўлиб бораяпти. Муҳташам мактаблар, коллеж ва лицейлар қурилаяпти. Баъзида беш-олтитамиз бир бўлиб, ана шу ўқув масканларини томоша қилиш учун атайин (!) борамиз. Чунки, бундай улуғвор ўқув масканлари шунга арзийди.

Зомин — афсоналар манзили. Бугун унинг хушманзара ва баҳаво табиатидан ташқари, бағрида савлат тўкиб турган янгидан-янги иншооту меъморий обидалар кишини мафтун этади. Туман марказида янгидан иш бошлаган деҳқон ва буюм бозорлари шаҳри азим бозорларидан сира қолишмайдиган даражада замонавийлик касб этибди. Йўл четида қад ростлаган қатор дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, тиббиёт масканлари шундоғам бетакрор бу туманни янада обод, фаровон, жозибадор кўрсатади.

— Миллий ҳунармандчилигимизда тикувчилик, тўқимачилик, наққошлик, мискарлик, сандиқсозлик, дурадгорлик, этикдўзлик, пазандачилик сингари қадимий касблар мавжуд, — дейди туман хотин-қизлар қўмитасининг бош мутахассиси Саодат Алимова. — Давлатимиз раҳбарининг касаначиликни ривожлантириш борасидаги Фармони ижроси таъминланиши натижасида бу ҳунарлар қайта уйғонди ва ривожга киришди. Биргина Даштобод пахта тозалаш корхонасида шу йилнинг ўзида 40 та касаначилик иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, туман йўл хўжалиги корхонаси, машина-трактор парки, сув қувурларидан фойдаланиш идораси, ўрмон хўжалигида ҳам касаначилик иш ўринларига асос солинди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 226 нафар ҳунарманд билан касаначилик бўйича шартнома тузилди.

Ўн икки йилдирки, афсонавий Кўҳиқоф рамзи саналмиш Зоминда мустақиллик шеъриятининг янги авлодлари илк ижод намуналари билан устозлар назарига тушмоқдалар. Ўзиям, ёш шоирлар мушоираси ўтказиладиган жой — Ўриклисойга бормабсиз, бу дунёга келмабсиз-да! Зотан, ушбу маскан ва унга туташ сиҳатгоҳларда жилла қурса, бир кун юрсангиз, роҳатланиб, танингиз яйрайди, вужудингиздан ғубор кўтарилади. Ҳамроҳларимиздан бири айтганидек, ҳатто бу ернинг буханка нони ҳам кишига асалдай тотли туюлади. Ушбу таърифларга ишониб-ишонмай, нондан татиб кўрдик. Нонни иштаҳа билан еб, устидан муздай булоқ суви ичганимизни кузатиб турган нуроний бир отахон шундай дейди: “Бу булоқ суви, лекин “Нестле”, “Бонакуа”га ўхшаган ичимликлардан асло қолишмайди. Ошқозонни тозалайди, таъбингизни равшан қилади!” Содда отахоннинг жайдари “реклама”си таъсир қилиб, идишларимизни булоқ сувига тўлдириб олдик.

Дарвоқе, қадоқланган сув ҳақидаги гурунгларимиз Бахмал туманида қайтадан иш бошлаган “Бахмал-шароб” корхонасида давом этди. Айни пайтда бу ерда тўрт хил ширин ичимлик ва чой қадоқланиб сотилмоқда. 80 нафар киши иш билан таъминланган.

— Маълумотларга қараганда, дунё бўйича ҳар йили 1 триллион АҚШ доллари миқдорида сув қадоқланиб, истеъмолга чиқариларкан, — дейди корхона технологи Сайфиддин Дўстмуродов. — Шундан келиб чиқиб айтсак, бу ердан олинадиган даромад нафақат қишлоғимиз, балки туман ва вилоятимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бугун корхонада Туркия ва Польша мамлакатларидан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида сифатли, экологик тоза ичимликлар ишлаб чиқарилаяпти. Ходимларимизнинг аксарияти ёшлардан иборат. Уларнинг ҳар бири ўз ишини яхши кўради, яхши билади. Маҳсулотларимиз жаҳон бозорларида ўз харидорини топсин, деган ниятларда ҳаракат қилаяпмиз.

Жиззах сафаридан қайтаётганимизда, бизни меҳмон дея иззатлаб тўйга таклиф қилишди. Муҳташам “Баҳора” тўйхонасига қараб йўл олдик. Етиб бордигу, ташқаридаги юқори ҳарорат бир томону тўйхонада яратилган салқин иқлим бир томон бўлиб, кайфиятимиз янада чоғланди.

Меҳмонлар икки қаватли бўлмалардан жой олишган. Давра тўрида келин-куёв. Турли рангларда жилоланиб, нур сочаётган чироқлар тўйхонага ажиб шукуҳ бахш этган. Дастурхонлар Жиззах заминида битган жамики тотли ноз-неъматлар билан тўла. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўрабек Исроилов икки ёшни, уларнинг ота-оналарини қутлади, бу қувончга шерик бўлганлар шаънига эзгу истаклар билдирди. Санъаткору созандалар куйлашни она-Ватан мадҳидан бошлаб беришди...

**Я**хшилаб мулоҳаза юритиб кўрилса, биргина шу тантананинг ўзи Жиззахда халқнинг турмуш даражаси, салоҳияти нечоғли кўтаринки эканлигини кўзгуда акс эттиргандек кўрсатиб турибди. Ахир, бундай шодиёналар, хуррамлигу файзли давралар фақат тинч, осойишта, фаровонлиги бардавом, тўкин юртдагина бўлади. Шундай дамларда “Топганингиз тўйга буюрсин”, “Элимизда тўй кўпайсин”, дея чин дилдан эзгу тилак билдиргинг келавераркан...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ян Цземиань:
# «МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАДИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни комил ишонч билан айтишим мумкинки, республика раҳбариятининг эътибори, ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлаши туфайли Ўзбекистонда ёш авлод мамлакат ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишда давом этаверади.

Хитойликлар Ўзбекистонни нафақат кўҳна ва бой тарихга эга юрт, балки улкан иқтисодий ҳамда сармоявий салоҳият мужассам бўлган мамлакат сифатида ҳам яхши билишади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида туб ўзгаришларни амалга оширишнинг тадрижий ва босқичма-босқич йўлини танлади. Айни пайтга келиб, ушбу сиёсат ўзининг нечоғли тўғри эканини амалда исботлади. Автомобилсозлик, нефть-кимё ва газни қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил саноат каби янги тармоқлар Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини таъминлаётган илғор соҳаларга айланди.

Биз Ўзбекистонда хорижий сармоялар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бораётганини мамнуният билан таъкидламоқдамиз. Қўшма корхоналар, аввало, юқори технологияли соҳалар — электротехника, кимё ва нефть-кимё саноати, машинасозлик, телекоммуникация ва информацион технологиялар йўналишларида ташкил этилмоқда.

Шу ўринда Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юқори суръатда ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу, айниқса, сиёсат ва давлат арбоблари, иқтисодчи ва ишбилармонлар, олимлар ва жамоатчилик вакилларининг мунтазам равишдаги ўзаро ташрифларида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг қулай жуғрофий жойлашуви, бой табиий захиралари, барқарор иқтисодий ривожланиши, ишлаб чиқариш саноатини модернизация қилиш ва диверсификациялашга қаратилган сиёсатнинг амалга оширилиши Хитой компаниялари ҳамда фирмаларига ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимдек, Хитойда Ўзбекистонни қадим ва бой тарихга, ранг-баранг маданиятга эга бўлган юрт сифатида билишади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди — тарихан инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшган турли цивилизациялар ва маданиятлар чорраҳаси жойлашган замин. Бу ерда турфа миллат ва динлар вакиллари асрлар давомида тинч-тотув ҳаёт кечирган. Ўзбекистон ислом дини, маданияти ва фалсафаси тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган мамлакат.

ISESCO ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши мамлакатда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган виждон эркинлигини таъминлаш, ислом қадриятларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, улуғ бобокалонларнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, буюк мутафаккир ва алломаларнинг муқаддас қадамжоларини қайта тиклаш ва ободонлаштириш борасидаги кенг кўламли ишларнинг яна бир халқаро эътирофи бўлди.

Ўзбекистон қўлга киритаётган улкан ютуқлар, сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг гувоҳи бўлиш менга доимо катта мамнуният бахш этади.

Ватанингизнинг энг улуғ байрами арафасида Ўзбекистон аҳлини чин қалбимдан табриклайман, бахт-саодат ва фаровонлик, тинчлик-омонлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада тараққий этаверсин!

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

### Яхши хабар

**Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда очилган «Мегатекстил» хорижий корхонаси Уйчи туманидаги Ёркатай қишлоқ аҳлига байрам совғаси бўлди.**

## Сармоя келтираётган самара

Бу ерда пахтани қайта ишлаш ҳисобига тайёрланадиган калава ипнинг 90 фоизи жаҳон бозорига чиқарилади. Айни дамда технологик линиялар монтажи ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, замонавий ошхона, санитария-гигиена ва дам олиш хоналари қуриб битказилди. Умуман олганда, таъсисчилар томонидан техника ва ускуналар сотиб олиш, қурилиш-монтаж ишлари учун 1 млн. 170 минг АҚШ долларидан зиёд сармоя киритилди. Маҳаллий ёшлар орасидан бўлажак ишчилар саралаб олинди. Улар 300 нафардан кўпроқ ёркатайлик йигит-қизлардир.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маҳсулоти аҳолига манзур

***Гулистон шаҳридаги «Ҳабиб бизнес гуруҳ» Ўзбекистон — Саудия Арабистони қўшма корхонаси дастлабки шифер маҳсулотини мижозларга етказиб берди.***

Бу ерда кунига 1,5 минг донагача ана шундай қурилиш маҳсулоти тайёрланмоқда.

Келгусида қўшма корхона янада кенгайтирилиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажмини 8-10 баравар ошириш кўзда тутилган. Айни кунда бу ерда 20 нафар ишчи ва мутахассис муқим иш билан таъминланди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОШАЯПТИ

Избоскан туманидаги 4200 тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга “Пойтуғ-текс” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида хориж инвестицияси эвазига замонавий технология ўрнатилди.




### Модернизация

Бу маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш имконини бериб, корхона маҳсулотларига хорижда ҳам талаб ортишига замин яратаяпти.

Ҳозирда “Пойтуғ-текс” қўшма корхонасининг 120 нафарга яқин ёш, малакали ходимлари томонидан тайёрланган трикотаж матоларининг 80 фоизи чет элга экспорт қилинмоқда. Бунда, айниқса, Чехияда ташкил этилган 2 та савдо уйи ҳамда улар орқали Европа давлатларидан олинаётган буюртмалар аҳамияти беқиёс бўлаяпти.

**СУРАТДА:** чилангар Авазбек Мадаминов цех бошлиғи Ҳакимжон Усмонов билан пилталаш дастгоҳларини кўздан кечирмоқда.

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА)**
**олган сурат.**

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — ДАВР ТАЛАБИ

***Қарши шаҳрида «Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

### Тадбир

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг «АКТ сиёсати» лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур семинар маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш масалаларига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ахборот-ресурс маркази, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Uzinfocom» маркази етакчи мутахассисларининг автоматлаштирилган бошқарув тизими, ахборотлаштириш соҳасида қабул қилинган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда интерактив давлат хизматларини шакллантириш ва жорий этишга қаратилган ҳукумат қарорлари, электрон ҳужжат айланиши, ахборот хавфсизлиги каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

— Электрон рақамли имзо ва уни электрон ҳужжат айланиши тизимида қўллаш асослари, бу борадаги дунё тажрибаси ҳамда бошқа кўплаб қизиқарли мавзулар бўйича назарий ва амалий билимга эга бўлдик, — дейди Қашқадарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси котибият мудири Манзура Очилова. — Замонавий ахборот технологияларини бошқарувда самарали қўллаш ҳар бир раҳбар ва мутахассис учун жуда зарур. Чунки бу иш унумдорлигини оширишнинг асосий омилидир. Шу жиҳатдан мазкур тадбир ҳар томонлама фойдали бўлди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

***Андижонда «Ўзфармсаноат» ДАК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида дори-дармон ва тиббиёт воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо ташкилотларининг семинар-кўргазмаси ташкил этилди.***

Кўргазмада 40 дан ортиқ корхона ва ташкилотнинг 400 номдаги маҳсулотлари намойиш этилди.

### Семинар

Эътироф этиш жоизки, тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 78,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. 22 номдаги янги дори-дармон турлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Соҳа корхоналари томонидан 17 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 97 миллиард сўмни ташкил этиши, 37 номдаги янги дори-дармон турлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Амалий шартномалар имзоланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАШАРГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай тадбирлар доирасида истеъдодли болалар ўртасида ўтказилаётган ижодий беллашувлар ва асфальтга расм чизиш мусобақалари ёш авлодни миллий қадриятларимиз ва табиатга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида маҳалла фаоллари ва ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигида “Уч авлод учрашувлари” ташкил этилмоқда. Бинобарин, мазкур хайрли тадбирлар келажак эгаларини миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, ёшларимизни ватанпарвар ва эл-юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган.

Мустақиллик байрами арафасида нуронийлар ва ёш авлод вакилларининг юртимиз бўйлаб саёҳатини ташкил этиш кексаларга ғамхўрлик ва ёш авлод камолотига қаратилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир. Шу кунгача Қашқадарё, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятининг кўплаб фахрийлари ҳамда Тошкент вилоятининг бир гуруҳ ёшлари Самарқанд шаҳри ва пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий қадамжолар ва мустақиллик иншоотларини зиёрат қилдилар. Бундай тадбирларни ташкил этишда “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Корхона ва ташкилотларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида «Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» мавзуида ташкил этилаётган маданий-маърифий тадбирлар жараёнида аҳоли, хусусан, ёшлар фаол иштирок этаётир. Бундай учрашув ва давра суҳбатларида истиқлолимизнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида фикрлашилмоқда.

“Ёшлар йили” Давлат дастурида белгиланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш Истиқлол байрами арафасида ва умумхалқ хайрия ҳашари доирасида ташкил этиладиган тадбирларнинг муҳим йўналишига айланди. Юртимизнинг барча туманларида жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда ҳомийлар кўмагида кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ тўйлари ўтказилмоқда, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёш оилаларга қўшимча маблағлар ажратилмоқда.

Айни вақтда Истиқлол байрамини меҳнат ва бунёдкорлик соҳасида улкан ютуқлар билан кутиб олиш ҳамда ушбу сана арафасида жойларда кўплаб янги иншоотлар — мактаб, боғча, коллеж, лицей, шифохона, ёш оилалар учун уй-жой ва бошқа маиший биноларни фойдаланишга топшириш борасидаги ишлар қизғин давом этаётир. Бундай тадбирлар жараёнида малакали қурувчилар билан бир қаторда бунёдкор ёшлар фаол иштирок этаётгани қувонарлидир. Ҳашар кунлари бундай иншоотларда иш янада қизийди.

Ёшлар ташкилотлари томонидан жойларда барпо этилган ёшлар боғларини ободонлаштириш, дарахтларни оқлаш, ўзгалар кўмагига муҳтож нуронийлар ва кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, умумхалқ хайрия ҳашари кунлари халқимизга хос ҳамжиҳатлик, хайр-саховат, меҳр-оқибат, яратувчилик ва бунёдкорлик хислатлари янада яққолроқ намоён бўлади. Ушбу тадбир том маънода тинч-осойишта ҳаётимиз ва фаровон турмушимиз кўзгуси ва шукроналигимиз ифодасига айланади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Тўқнашув оқибати



***Кашмирда айирмачи гуруҳ ва полиция вакиллари ўртасида тўқнашув содир бўлди.***

Бу ҳақда сешанба куни "The Times" газетаси маълум қилди.

Тўқнашувлар оқибатида уч киши ҳалок бўлди. Икки юзга яқин одам жароҳатланди. Қурбонлар орасида айирмачи гуруҳ етакчиси Шайх Абдул Азиз ҳам бор. У "Hurriyat Conference" айирмачи партиясининг аъзоси ҳам эди.

## Денгиздаги ҳодиса

***Япон денгизида Шимолий ва Жанубий Кореяга қарашли иккита кема тўқнашиб кетди.***



"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, кўнгилсиз воқеага ноқулай об-ҳаво сабаб бўлган. Сўнгги маълумотларга қараганда, икки нафар денгизчи бедарак йўқолган.

## Қимматга тушмоқда



***АҚШнинг Ироқда олиб бораётган ҳарбий кампанияси мамлакат иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатмоқда.***

Бу ҳақда "The New York Times" газетаси хабар тарқатди. АҚШ Конгрессининг Бюджет бошқармаси томонидан тайёрланган маърузада келтирилишича, 2003-2007 йиллар оралиғида ҳарбий кампанияга 85 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. Бу рақам жорий йил охиригача 100 миллиард АҚШ долларига етади.

## «Zara» биринчи ўринда

***Испаниянинг "Zara" компанияси жаҳон бозорларида кийим-кечак савдоси бўйича биринчи ўринга кўтарилди.***




"The Guardian" нашри хабарига кўра, ҳозирда дунёнинг 70 мамлакатидаги 3900 та махсус савдо уйида компания томонидан тайёрланган кийимлар сотилмоқда. Пешқадамлик шу пайтгача "Gap" компаниясига тегишли эди.

## Махсус гуруҳ ташкил этилди

**Мексика ҳукумати мамлакатда одам савдосига қарши курашувчи махсус гуруҳ тузишга қарор қилди.**

**"Би-би-си ньюс" хабарига кўра, ушбу гуруҳ 300 нафар ҳарбийдан ташкил топади. Маълумки, кейинги вақтларда Мексикада одам ўғирлаш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Биргина 2007 йилда мамлакатда 430 нафар фуқаро ўғирланган. Шу боис ҳукумат бунга қарши жиддий чора кўришга мажбур бўлди.**

## «Одам-амфибия» — Голливудча талқинда



***Ўтган асрда рус киноижодкорлари томонидан суратга олинган "Одам-амфибия" фильми ҳозирда ҳам дунё кино ихлосмандлари эътиборидан тушган эмас.***

"The Hollywood Reporter" нашри хабарида айтилишича, мазкур фильм эндиликда Голливуднинг машҳур "Stone Village Pictures" компанияси продюсери Скотт Стейндорф бошчилигида суратга олинади.

Эслатиб ўтамиз, 1962 йилда экран юзини кўрган "Одам-амфибия" фильмини 65,5 миллион киши томоша қилганди.

## Тақдимот арафасида

***«Audi» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган «Седан А6» русумли янги автомобиль суратлари кенг жамоатчиликка намойиш этилди.***

Янги автомобиль ташқи кўриниши жиҳатидан аввалги "Audi"лардан кескин фарқ қилади. Негаки, машина чироқлари, бамперлар замонавий тус олган. Унинг двигатели қуввати 290 от кучига тенг. 100 километрга 9,5 литр ёнилғи сарфлайди.

Мазкур автомобиль тақдимоти август ойи охирларида ўтказилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ЯНГИ КОРХОНА

Навоий вилоятининг Конимех тумани марказида полипропилин қоп ишлаб чиқариш заводи ишга тушди.

Вилоятдаги «Қурилишсавдо» масъулияти чекланган жамиятига қарашли мазкур заводда кунига 15-20 минг дона қоп тайёрланиб, «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятига етказиб берилади. Бу ерда 60 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Мутахассислар фикрича, завод тўла қувват билан ишлай бошлагач, бир кунда 25-30 минг дона қоп ишлаб чиқариш имкони юзага келади.

— Ўтган ойда 10 тонна полипропилин хом ашёсидан сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди ва шартнома тўлиқ бажарилди, — дейди завод раҳбари Комил Файзиев. — Мақсадимиз жорий йилда 100 тоннадан ортиқ полипропилин хом ашёсини қайта ишлаш, келгуси йилда яна элликдан зиёд янги иш ўрни очишдан иборат.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**


**ҲАЁТНИ СЕВАСИЗМИ? У ҲОЛДА ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГ!**



**Ўқишга марҳамат!**

**Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!**

**«ЭФФЕКТ-МОЛИЯ»**

**ўқув-татбиқот маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни қуйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:**

**I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:**
(100% амалиёт билан малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)



* **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик менежерлиги бошқаруви** (маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, меҳнат қонунчилиги, компьютерда офис ишлари ва эффектив бошқарув сирлари) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
* **Бухгалтер-молиячи** (Бош ҳисобчи даражасида, бухгалтерия нолдан балансгача. Компьютер. Интернет. 1С Бухгалтерия) —1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм.
* **«1С» бухгалтерия** — 1 ой (компьютерда бухгалтерия ҳисоби), тезкор 8 кун, якка тартибда, 100 минг сўм.
* **Корхоналар ҳуқуқшунослиги** (компьютер, ҳужжатлаштириш, меҳнат қонунчилиги, бизнеснинг ҳуқуқий асослари, бухгалтерия) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
* **Банк иши** (компьютерда офис ва банк дастурлари, кредит-бухгалтерия) — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
* **Кадрлар иши ва меҳнат қонунчилиги** (компьютер, Internet, меҳнат қонунчилиги) — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга 50 минг сўм. Якка тартибда.
* **Секретарь-референт** (компьютер, бошқарув ҳужжатларини тайёрлаш, иш юритиш тактикаси) — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

**II. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:**
(фақат якка тартибда, 100% амалиёт)



* **Компьютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати — 2 ой, тезкор ўқитиш — 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
* **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) — 10 кун, тезкор — 3 кун, 20 минг сўм. Амалда интернетга кириб ўргатилади.
* **Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва Windows XP ҳамда Office дастурларини ўрнатиш** — 1 ой, тезкор — 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
* **Компьютерлараро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** — 1 ой, тезкор — 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
* **Photoshop-8, Corel Draw-12, 3D Studio Max, Auto Cad, Makromedia Flash MX, PageMaker ва бошқа дастурлар** — 1-2 ой, тезкор — 6-10 кун, 50 ва 75 минг сўмдан.
* **WEB-сайтлар яратиш, AdobePremer** (видеомонтаж) — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм, тезкор — 7 кун.
* **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6,0 DELPHI)** — 6 ой, тезкор — 3 ой,1 ойга—150 минг сўм.
* **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** — 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.
* **Дастурларни ўрнатиш, дискларга ва уяли телефонга мусиқа ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивирус ўрнатиш** — 1 ой, 100 минг сўм.
* **Уяли телефонларни таъмирловчи** — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
* **Уяли телефонларни дастурлаш** — 200 минг сўм.
* **Аудио-видео, радиоаппаратураларни таъмирловчи** — 4 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

**III. ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:**
(фақат кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

* **Кореяга ишга кетувчилар учун махсус корейс тили курси** — 6 ой, 1 ойга — 100 минг сўм. Тезкор — 2-3 ой. Якка кичик гуруҳ.
* **Инглиз тили** (бошловчилар учун) — 4 ой (чуқур ўрганиш, олий курси), гаплашув клуби (олий курси) — 4 ой, гид-таржимон — 4 ой, 1 ойга — 36 минг сўм. Ҳафтада 3 марта.
* **Рус, инглиз тили** (8-10 ёшли ўғил-қизлар учун махсус дастур) 1 ойга — 36 минг сўм. Ҳафтада — 3 марта.
* **Рус тили:** бошловчилар учун — 4 ой, давом эттирувчилар учун — 4 ой, 1 ойга — 36 минг сўм. Ҳафтада — 3 марта.
* **Инглиз, рус, француз, немис, араб, корейс, хитой тиллари** — 6 ой (якка тартибда), ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 120 минг сўм. Тезкор — 3 ой.

**IV. ЎҚУВ-ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ:**

Она тили ва адабиёти, математика, тарих, физика, кимё-биология — 1 йил, тезкор — 6 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (якка тартибда — 6 ой, 1 ойга — 120 минг сўм).

**V. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:**
(якка тартибда ва кичик гуруҳларда, 100% амалиёт)

* **Оилани мустаҳкамлаш сирлари ва психологияси** — 2 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Заргарлик** — 6 ой (якка тартибда), заргар томонидан ўргатилади, тезкор — 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм.
* **Электромонтёр** — 4 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
* **Сартарош-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
* **Косметолог-визажист** — 2 ой, олий курси билан тезкор — 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Тирноқлар ва киприкларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (якка тартибда) — 1 ой, 150 минг сўм.
* **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** — 1 йил (ўқиш поликлиникада, компьютер ва интернет билан олиб борилади), 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор — 3 ёки 5 ой.
* **Фармацевтика** — 1 йил (ўқиш дорихонада компьютер ва интернет билан олиб борилади), тезкор — 3 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
* **Тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар тикиш** — 4 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Устки астарли кийимлар тикиш** — 3 ой (якка тартибда), тезкор — 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикиш** — 2 ой (якка тартибда), тезкор — 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм.
* **Газламалардан гуллар ясаш** — 2 ой (якка тартибда), тезкор — 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Бисер усулида каштачи-безакчи ва дизайнер** (олий курси билан) — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Зардўзлик** — 3 ой (якка тартибда), тезкор — 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Машинада ва қўлда кашта (вишивка) тикиш** — 3 ой (якка тартибда), тезкор — 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** — 2 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Қўлда тўқиш** (олий курси билан биргаликда) кийимлар, буюмлар — 3 ой, якка тартибда, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
* **Пазандачилик** (олий курси билан биргаликда, энг замонавий пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар) — 3 ой, якка тартибда, тезкор — 1 ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
* **Тортларни олий даражада безатиш санъати** (якка тартибда) — 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.
* **Уйғур, миллий ва Европа таомлари** (50 дан ортиқ овқатлар ва салатлар) — 3 ой, тезкор — 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.



**Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов — нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра диплом-сертификат берилади.**

***ҚАБУЛ — СОАТ 9.00 ДАН 19.00 ГАЧА. ДАМ ОЛИШ КУНИ — ЯКШАНБА. ЁТОҚХОНА — 1 ОЙГА 30 МИНГ СЎМ.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 84-уй, «Қозоғистон» кинотеатрининг ўнг томонида. Транспорт: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115-автобусларнинг «Қозоғистон» кинотеатри, метронинг «Минор» бекатлари.**

**Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.**

Лицензия NAS UZ 001. 92200 ТТ. 0006-05.

Юнусобод тумани ҳокимлиги | Амир Темур шоҳкўчаси | «Қозоғистон» к/т | «Эффект-Молия» | Хуршид кўчаси | «Минор» метроси



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

**ПРОГНОЗЛАШТИРИШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**



- ⇨ **ЛОЙИҲА РАҲБАРЛАРИ**
- ⇨ **ЛОЙИҲА РАҲБАРЛАРИ ЎРИНБОСАРЛАРИ**
- ⇨ **БОШ ИЛМИЙ ХОДИМЛАР**
- ⇨ **ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМЛАР**
- ⇨ **КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР**

лавозимларига қуйидаги лойиҳаларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил, ўрта ва узоқ муддатга прогноз қилиш лойиҳаси;
- иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва уни диверсификациялаш, инвестициялар жалб қилиш лойиҳаси;
- ўрта ва узоқ муддатга иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлигини таъминлаш лойиҳаси;
- пул-кредит ва валюта сиёсатини таҳлил, прогноз қилиш ва такомиллаштириш лойиҳаси;
- бюджет-солиқ сиёсатини таҳлил, прогноз қилиш ва такомиллаштириш лойиҳаси;
- ижтимоий ривожланишни таҳлил, ўрта ва узоқ муддатга прогноз қилиш лойиҳаси;
- иқтисодиётни барқарор ривожлантириш лойиҳаси.

**Танловда иштирок этувчиларга малакавий талаблар:**

⇨ **лойиҳа раҳбарлари, лойиҳа раҳбарлари ўринбосарлари, бош илмий ходимлар лавозимларига:**
*иқтисод фанлари доктори ёки иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига, камида беш йиллик илмий тадқиқот ёки ихтисослиги бўйича амалий меҳнат стажига эга (лойиҳа раҳбарлари ўринбосарлари, бош илмий ходим лавозимлари учун — уч йил), илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар;*

⇨ **етакчи илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларига номзодлар учун қўйиладиган талаблар:**
*иқтисодиёт магистри даражаси, ихтисослиги бўйича камида уч йиллик амалий меҳнат стажига эга, илмий йўналиши бўйича чоп этилган мақолалари бўлган шахслар иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатлар:**

- сўровнома (фотосурат билан);
- таржимаи ҳол;
- дипломлардан нусхалар;
- тавсифнома;
- чоп этилган илмий ишлар рўйхати.

***Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.***

**Маълумот учун телефонлар: 237-49-13, 237-26-32.**

1268Н/1330


**Бухоро томонларда**

***Соктареда 540 ўқувчи ўрнига эга бўлган саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи қад ростлади. Ушбу маскан қурилиши учун 2 миллиард 138 миллион сўм маблағ сарфланди.***

## Ёшларга байрам туҳфаси

Шунингдек, Зарангари қишлоғида барпо этилган педагогика коллежи ҳам Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Натижада Ғиждувон туманида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежлари сони тўққизтага етади.

## Маҳалланинг уста-шогирдлари

***Вобкент тумани Бандликка кўмаклашиш маркази Собир Раҳимов номидаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда «Фаррух Саёҳат ўғли» фирмасида «Уста-шогирд» ўқувини йўлга қўйди.***

Касб-ҳунари бўлмаган қиз-жувонлар бу ерда каштадўзлик сирларини ўргандилар. Ўқув ниҳоясига етгач, фирма раҳбарияти йигирма нафар аёлни касаначилик асосида ишга қабул қилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





545R/351



Корхоналар раҳбарлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги мутахассислари диққатига!

**ТАШКИЛОТ**

қуйидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги маҳсулотларини

**таклиф этади:**

- ёнғин хавфсизлиги мавзусидаги плакатлар;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги муҳандислари учун ҳужжатлар тўплами;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, фуқаролар ҳимояси ҳамда фавқулодда вазиятлар мавзусидаги плакатлар, китоблар ва рисолалар;
- шошилинч биринчи ёрдам кўрсатиш машғулотларида фойдаланиладиган манекен-тренажёрлар;
- видеофильмлар.

**Телефонлар: 233-53-00, 717-17-52, 263-17-52.**
**Факс: 239-14-80, 233-16-16.**
**E-mail: albert.btl@mail.ru**

1201Н/1279



**ООО «Росагропромснаб» предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** ультразвуковые «Гобой-1»




**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** вихревые СВГ.М




На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

**Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р — метро «М. Улугбек»)**

Товар сертифицирован. **Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57**



**ТАШКИЛОТ ФАҚАТ БУЮРТМА БЎЙИЧА СОТАДИ**




Тўлов шакли — турлича.
Етказиб бериш муддати — 1-1,5 ой ичида.
**Божхона тўловлари барча баҳоларга киритилган.**

**Тел.: 140-00-61/62, 110-41-43, 317-67-97 (соат 9.00 дан 18.00 гача).**

